

## Янги Ўзбекистонда Муסיқа Санъатини Ривожлантиришнинг Замонавий Тенденциялари

Anvar LUTFULLAYEV\*

### АННОТАЦИЯ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Янги Ўзбекистон концепцияси ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда. Бунда 2023 йил апрел ойида халқ референдуми асосида қабул қилинган янги тахрирдаги Ўзбекистон Конституцияси асос бўлмоқда. Шу жиҳатдан Янги Ўзбекистон – бу ижтимоий, дунёвий, демократик, ҳуқуқий ва халқпарвар давлат бўлиб, унинг мақсад – муддаоларини бозор иқтисодиётига асосланган демократик фуқаролик жамиятини барпо этиш, халқ фаровонлигини таъминлаш ва глобаллашув шароитида дунё мамлакатлари билан тенг ҳамда стратегик ҳамкорлик қилиш ташкил қилади. Шу сабабли 2023-2030 йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон - 2030” стратегияси амалга оширилмоқда. Бу стратегиянинг асосий йўналишларидан бирини *муסיқа санъатини* замонавий даражада ривожлантириш ташкил қилади. Бунда миллий муסיқа меросини чуқур ўрганиш, замонавий муסיқа санъати асарларини ўзлаштириш ва дунё халқлари муסיқа санъатининг нодир намуналаридан баҳраманд бўлиш муҳим ўрин тутди. Шу маънода 2016 – 2023 йилларда Ўзбекистон кўпмиллатли халқининг муסיқий тафаккури ва маданияти янгиланиб, унинг маънавияти ва маданиятида концептуал муסיқа асослари таркиб топди. Янги Ўзбекистонда тараққиётнинг муҳим омилларидан бири сифатида муסיқа санъати белгиланган. Бунда миллий муסיқа санъатининг барча жанрлари, турлари ва йўналишларининг ривожлантириш ҳамда жаҳон халқлари муסיқа санъатининг нодир намуналарини ўзлаштириш муҳим омиллар сифатида қабул қилинган. Айниқса, туркий халқлар муסיқа санъатининг индивидуал ва умумий хусусиятларини уйғун ўзлаштирган ҳолда ўзбек муסיқа санъатини замонавий принциплар асосида ривожлантириш тенденцияларига алоҳида эътибор қаратилаётганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Мазкур ўринда Янги Ўзбекистонда муסיқа санъатини ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари таҳлилига эътиборингизни тортаман.

**Таянч тушунчалар:** Муסיқа Ва Маданият, Таълим Ва Санъат, Анъанавийлик Ва Янгилик, Чолғу Ва Профессионаллик, Муаллим Ва Талаба.

**Башвuru / Kabul:** 12 Mayıs 2024 / 16 Eylül 2024

**Atf:** Lutfullayev, A. (2024). Development Tendencies of Music Art in New Uzbekistan, *İmgelem*, Özbekistan Özel Sayısı, 369-390.

### Development Tendencies of Music Art in New Uzbekistan

### ABSTRACT

The concept of New Uzbekistan has been developed and implemented by the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev. The new version of the Constitution of Uzbekistan adopted on the basis of a popular referendum in April 2023. In this regard, New Uzbekistan is a social, secular, democratic, legal and people-friendly state, the goals of which are to establish a democratic civil society based on the market economy, to ensure the well-being of the people, and to have equal and strategic cooperation with the countries of the world in the context of globalization. Therefore, the "Uzbekistan 2030" strategy for 2023-2030 is being implemented. One of the main directions of this strategy is the development of the art of music at a modern level. It is important to study the national musical heritage in depth, master the works of modern music art and enjoy the rare examples of the music art of the people of the world. In this sense, in 2016-2023, the musical thinking and culture of the

\*Prof. Dr., Nizomiy Nomidagi Tashkent Davlat Pedagogika Universiteti, Tashkent/Uzbekistan. E-mail: [anvarlutfullaev660@gmail.com](mailto:anvarlutfullaev660@gmail.com), ORCID Numarasi: [0009-0005-4089-9203](https://orcid.org/0009-0005-4089-9203), ROR ID: <https://ror.org/051g1n833>



multi-ethnic people of Uzbekistan was renewed, and the foundations of conceptual music were formed in its spirituality and culture. In this work, we draw your attention to the analysis of trends in the development of musical art in New Uzbekistan.

**Keywords:** Music and Culture, Education and Art, Tradition and Innovation, Instrument and Professionalism, Teacher and Student.

**Received / Accepted:** 12 May 2024 / 16 September 2024

## КЕНГАЙТИРИЛГАН АННОТАЦИЯ

Ўзбек халқининг мусиқа мероси жуда бой ва қадимий тарихга эга. Унинг ажойиб анъаналари ҳозирги кунда ҳам ўз бадиий ва эстетик қийматини сақлаб келмоқда. Халқ мусиқа меросидан, куй ва қўшиқларидан илҳом олмаган мусиқа санъатининг бирор-бир соҳасини топиш қийин. Мусиқашунос олимлар, тарихчи – археологларнинг илмий изланишлари ва Ўрта Осиё заминидан етишиб чиққан қомусий олим ва мутафаккирларнинг илмий-тадқиқотларининг далолат беришича қадимий Хоразм, Бақтрия ва Сўғд замида эрамиздан бир неча аср олдин ниҳоятда бой ва ранг-баранг мусиқа санъати мавжуд бўлган.

Айритом, Тупроқ қалъа, Афросиёб каби қўхна шаҳарларидан топилган тасвирий санъатга оид топилмалар мусиқа ҳаётнинг турли соҳаларига кенг жорий қилинганлигидан ва ҳар бир даврнинг ўзига хос мусиқа чолғулари, куй-қўшиқ, рақслари бўлганлиги, улар тарихий ривожланиш жараёнида такомиллашиб борганлигидан дарак беради.

IX асрдан бошлаб Ўрта Осиё ва умуман ўрта ва яқин Шарқда ижтимоий ва аниқ фанларни ривожланиш жараёни буюк мутафаккир олимлар Абу Наср Фаробий, Абу Али ибн Сино ҳамда уларнинг издошлари Сафиуддин Урмавий, Абдуқодир Мароғий, Аз Замахшарий, Мавлоно Кавкабий, Дарвеш Али Чангий, Абдурахмон Жомий ва бошқа ўнлаб ажойиб мусиқашуносларнинг номлари билан боғлиқ. Улар бошқа фанлар қатори мусиқа илмини илғор ғоялар билан бойитиб, ажойиб кашфиётлар қилдилар, ҳатто кўплаб мусиқа чолғуларини яратдилар, уларни такомиллаштирдилар ва шу билан жаҳон мусиқа илмига жуда катта ҳисса қўшдилар (Одилов 1993: 12).

Мусиқа илми масалаларини атрофлича чуқур ёритиши жиҳатидан ўз даврида тенгсиз бўлган Фаробийнинг «Мусиқа ҳақида катта китоби», (Китаб-ул мусиқа ал-Кабир) жаҳон мусиқа илмининг шоҳ манбаларидандир. Бу асар орқали Фаробий мусиқани мустақил илм даражасига кўтарган. Китоб икки қисмдан иборат бўлиб, 1-қисмида мусиқа илмининг назарий ва амалий асослари ёритилган, иккинчи қисми эса ўтмиш олимларининг мусиқий илм ҳақидаги маълумотларига “изоҳ”лар берилган.

Фаробий ўз замонасига мансуб бўлган мусикий чолғуларни нафақат ижро эта олган, балки уларнинг тузилиши ҳамда уларда ижрочилик имкониятларини мукамал ўрганган. У уд, танбур, рубоб, конун, най, мизмор, сурнай ва бошқа чолғулар тўғрисида қимматли маълумотларни ёзиб қолдириш билан бирга, чунончи, торли асбобларни бир неча хил созланиши ҳақида ҳам асосли равишда ўз фикрларини баён этган.

Ўрта Осиё, хусусан Мовороуннаҳрда яшовчи халқлар, хусусан, ўзбек халқининг тарихида энг муҳим босқич бўлмиш Амир Темур ва Темурийлар ҳукмронлиги даврида XIV-XV асрларда маданият, санъат, илм-фаннинг гуллаган, кенг ривожланган босқичи бўлди. Амир Темур ўзи эгаллаган ўлкаларда, чунончи, Хуросон, Эрон, Сурия, Кавказ, Шарқий Ўрта Осиёдаги кўплаб санъаткорларни Самарқандга тўплаган, уларга зарур шарт-шароитлар яратиб берган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, ўша даврларда дабдабали сарой маросимлари мусиқа ва кўшиқлар жўрлигида ўтказилган. Хонанда ва созандалар форс, араб, турк, мўғул оҳангларида намуналар чалишиб, кўшиқ айтар эдилар. Шаҳарларни тараққий этиши билан ўзига хос шаҳар маданияти шакллана бошлади. Профессионал мусиқачилар фаолияти юзага келади (Фитрат 1993: 27).

Юқорида келтирилган Шарқ алломаларининг бетакрор тарихий асарлари, бугунги кун мусиқа илми мутахассислари, созанда ва хонандалар учун ҳам жуда муҳим манба сифатида хизмат қилмоқда ва уларнинг рисолаларидаги қимматли маълумотлари асосида мусикий маданият ривож топмоқда. Мусиқа илмини янада чуқур ўрганиш ва уни ўзлаштириш масаласи бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон-2030” стратегиясида таълим тизимини мақсадли ва замонавий талаблар асосида ривожлантириш вазифалари белгиланган.

**“Янги Ўзбекистонда Мусиқа Санъатини Ривожлантиришнинг Замонавий Тенденциялари”** номли умумлаштирилган мақоланинг *биринчи мавзуси* “**Мусиқа таълими ва санъати тамойиллари**”га бағишлангандир, унда мамлакатда мусиқа таълими ва санъатини сифатли ривожлантириш воситасида мазкур санъатнинг Янги Ўзбекистон тараққиётида тутган ўрни белгиланмоқда. Шу сабабли Янги Ўзбекистон мусиқа санъатини ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари, уларнинг маъно-мазмун ва аҳамияти масалалари таҳлил қилинди. Таҳлил жараёнида миллий мусиқа санъатини ривожлантиришнинг миллий ва жаҳон мусиқа санъати уйғунлиги, мусиқа маданиятининг жамият ва ёшлар ҳаётида тутган ўрни, бу борадаги тажриба ва истиқболли йўналишлар замонавий тенденцияларига асосий эътибор қаратилди.

**Иккинчи мавзу “Маданият ва санъат соҳалари тараққиётининг вазифалари”** деб номланган бўлиб, Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида сифатли таълимни амалга ошириш вазифаси белгиланган ва мусиқа таълими, мусиқа санъати ҳам мамлакат ривожига муҳим ўрин тутиши ҳақидаги фикрлар баён этилган.

Янгиланаётган мусиқа таълимида мусиқа, хонандалик ва рақс асарлари бўйича назарий билим бериш, уларнинг ижросини ўргатиш ҳамда шу йўналишлар бўйича иқтидорли ўқувчиларни кашф этиш асосий вазифадир. Мусиқа санъати ўқувчиларнинг ёши, жисмоний ва эстетик имкониятларига мос мусиқа асарларини ўрганиш, уларнинг ижрочилигини ўзлаштириш ҳамда иқтидорли ўқувчиларни аниқлаб, тарбиялашга асосланади. Бунинг учун мактабгача таълимдан умумий ўрта таълимни якунига қадар ўқувчиларнинг таъкидланган хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мусиқа асарлари ўрганилиши ва уларнинг ижрочилиги ўзлаштирилиши керак.

**“Мусиқа маданияти – фани педагоглари тийёрлаш ва мусиқа тарбияси эҳтиёжи”** деб номланган **учинчи мавзу** мамлакатимизда мусиқа маданиятини сифатли таълим мезонларида асосида ривожлантиришда касбий етук ўқитувчилар тийёрлаш муҳим эҳтиёж бўлиб турганлиги ҳамда мусиқа ўқитувчилари умумий мусиқа санъати бўйича касбий маҳоратга эга бўлишлари билан биргаликда, мусиқа маданиятини ўқитиш ва мусиқа тарбиясини амалга оширишга доир касбий кўникмаларга эга бўлишликлари хусусида сўз юритилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда мактабгача ва мактаб таълими, болалар мусиқа ва санъат таълими, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида “Мусиқа маданияти” фани бўйича мусиқа ўқитувчиларини тийёрлашда уларнинг чолғу ижрочилиги, мусиқа санъати асослари, ашула ижрочилиги, ансамбл ва оркестр ижрочилиги бўйича касбий билим ҳамда кўникмаларини таркиб топтириш муҳим аҳамиятга эгалига урғу берилган.

**Тўртинчи мавзу, “Мусиқа таълими ва тарбия жараёнига замонавий ёндашувнинг долзарб масалалари”** деб номланган бўлимда - Ўзбекистонда мусиқа таълими ва тарбия жараёнига ёндашувнинг долзарб масалаларини идрок этиш тамойиллари таърифлаб берилган. Бугунги кунда **мусиқа таълимига оид янгича ёндашувларга** эҳтиёж борлиги ва унинг сабаблари сифатида Ўзбекистоннинг ҳозирги ривожланиш жараёнида инновацион жамият барпо этиш муҳим эканлиги, унга кўра, “ақлли таълим”, яъни таълим жараёнини рақамли технологиялар асосида ривожлантириш вазифалари ҳақида гап боради.

Ва ниҳоят, “Муסיқий таълим ва таълим-тарбиянинг уйғунлиги” деб номланган *яқунловчи бешинчи мавзуда* - Миллий муסיқа санъатимизни ҳар қачонгидан чуқурроқ ва атрофлича ўрганиш, уни халқ ичида кенг тарғиб қилиш бугунги куннинг долзарб масалаларидир. Ўзбек муסיқа маданияти ва унинг асосий қисмларидан бири бўлган чолғулар ва чолғу муסיқаси қадимдан бой ва мураккаб таъсирчан имкониятларга эга, айнан шунинг учун ҳам санъат дурдоналарига кўпроқ эътибор қаратиш, тинглаш, томоша қилиш, таҳлил этиш, тушуниш, илҳомланиш катта аҳамият касб этади. Муסיқани англаш учун тил билиш шарт эмас. Лекин, соз чалиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Зеҳни ўткир, тиришқоқ, аниқ мақсадли ёшларнинг бирор соз чалишни ўрганишлари осон кечади (Лутфуллаев 2023: 29).

Муסיқий ижрочиликнинг бугунги кундаги ўрни ва тарбиядаги аҳамиятини эътиборга олиб, камчиликларга йўл қўймаслик чораларини кўриш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бой ва хилма-хил эстетик тарбия воситалари қаторида санъат ва унинг турларидан бири бўлган муסיқа энг таъсирчан ва кучли тарбия воситаларидан бири эканлигини тушунамин.

Шундай қилиб мамлакатимизда миллий муסיқа санъатини ривожлантиришнинг янги тамойилларини белгилаб олиш, бунинг учун муסיқа таълими устозлари ва амалиётчи санъаткорларнинг ҳамкорлигига асосланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу маънода миллий муסיқа санъатимизнинг дурдона намуналари асосида ёш истеъдодларнинг созандалик касбий савиясини янада ошириш, ижрочилик маҳоратларини ўстириш, қўллаб-қувватлаш, миллий маънавиятимизни янада юксалтиришга сафарбар этиш бизнинг мақсадимиздир. Айнан шу мақсадни амалга ошириш учун таклиф сифатида айтиш мумкинки, муסיқа илми аҳлини, муסיқашуносларни, созанда ва хонандаларни бирлаштирувчи марказ бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимиз муסיқа таълими ва тарбиясининг янгиланиш жараёнида бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, амалий ва методик тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бундай тадбирларда долзарб муаммоларни аниқлаш, уларни ечимларини топиш ва ривожлантириш бўйича таклифлар мажмуини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу борада мамлакатимиз муסיқа санъати вакилларининг маҳорати, муסיқа таълими ва тарбияси анъаналари ҳамда жаҳон муסיқа санъати таълимининг тажрибаларига уйғун ёндашиш кутилган самарани беради.

Мамлакатимизда мусиқа таълими ва мусиқа тарбияси жараёнига ёндашувнинг шакллари ишлаб чиқиш таълим тизимининг асосий мақсадларидан бири иқтидорли талабалар ҳамда маҳоратли таълим берувчиларни тарбиялашдан иборатдир.

Янги Ўзбекистонда мусиқа санъатини ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари ана шундай муҳим тамойиллар ва ёндашувлардан иборат. Мазкур таянчларга асосан мамлакатда мусиқа санъатини ривожлантиришнинг янги босқичи амалга оширилмоқда.

### **Мусиқа Таълими Ва Санъат Тамойиллари**

“Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси”да таълим тизимини ва миллий мусиқа санъатини мақсадли ривожлантириш вазифалари белгиланган. Шу жиҳатдан мусиқа таълими ва санъатини ривожлантиришнинг тамойилларини белгилаб олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Мазкур масала бўйича бизнинг ёндашувимиз қуйидагилардан иборат:

**1.Миллий мусиқий меросни ўрганиш.** Ўзбекистонда миллий мусиқий мерос ўзига хос хазина бўлиб, унинг таркибини қуйидагилар ташкил этади: а) мусиқий ёзма манбалар; б) нота манбалари; в) ижрочилик анъаналари манбалари. Ушбу меросда миллий мусиқа маданиятисиз тўлиқ ифодаланган. Шу сабабли уни ўрганиш долзарб бўлиб турибди. **Мисол учун,** Абу Наср Фаробий ва Абу Али Ибн Сино томонидан арифметик рақамлар асосида нота ёзувлари ишлаб чиқилган. Бу нота ёзуви Шарқ мусиқа маданиятининг ноёб манбалари ҳисобланади. Шу сабабли миллий мусиқий меросни ўрганувчи илмли мусиқашунос мутахассислар тайёрлаш долзарб бўлиб турибди.

**2.Ижрочилик анъаналарини ўрганиш.** Миллий мусиқа маданиятимизда ўзига хос ижрочилик анъаналари мавжуд. Мазкур мероснинг таркибини қуйидагилар ташкил қилади: а) чолғу ижрочилиги анъаналари; б) ашула ижрочилиги анъаналари; в) яккахон ижрочилик анъаналари; г) ансамбл (оркестр) ижрочилиги анъаналари. Бу ижрочилик анъаналари илмий жиҳатдан чуқур ўрганилиши мусиқа санъатимизнинг ривожланиш жараёнига ижобий таъсир кўрсатади. Мисол учун, ўтган асрда чолғу ижрочилиги бўйича етук созандалар фаолияти кўрсатган. Шу жиҳатдан Аҳмадjon Одилов, Турғун Алиматов, Фозил Харрато, Фахриддин Содиқов, Мурод Тошмухамедов кабиларнинг ижрочилик анъаналарини ўрганиш ва оммалаштириш долзарб бўлиб турибди. Бугунги ёшлар учун ана шундай забардаст устозларнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ибрат бўлиб хизмат қилиши керак. (Рахимов 2017: 34).

**3. Жаҳон халқлари мусиқа санъатини ўрганиш.** Ўзбекистонда жаҳон халқлари мусиқа санъатини ўрганиш бўйича ўзига тажариба мавжуд. Шу жиҳатдан бугунги кунда бу борада қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлади: а) жаҳон халқларининг чолғу ижрочилиги тарихини ўрганиш; б) жаҳон халқларининг вокал санъати ижрочилигини ўрганиш; в) жаҳон халқларининг рақс санъатини ўрганиш. Бундай ёндашув миллий мусиқа санъатимизни янгича шароитда ривожлантириш имкониятларини беради. Эътибор берилса, мусиқа санъатимизнинг ривожланиш тамойилларини белгилашда тарихий тажриба, бугунги эҳтиёж ва келгусидаги ривожланиш йўналишларига уйғун ёндашиш мақсадга мувофиқ бўлади. Кези келганда шунини таъкидлаш лозимки, миллий мусиқа санъатимизни жаҳон миқёсида тарғибот қилиш долзарб бўлиб турибди. Бунинг учун Интернет глобал тармоғи имкониятларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу сабабли бу борада етук санъаткорлар ва ёшларнинг уюшган тарздаги ҳаракатини ташкил этиш бизнингча, қутилган самарани беради.

**4. Инновацион педагогика халқаро ҳамкорлигини ўрнатиш.** Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида педагогик таълимни замонавий талаблар асосида ривожлантириш ва сифатли педагог кадрлар тайёрлаш вазифалари қўйилган. Мазкур Тараққиёт стратегияси асосида халқ таълимини риволантириш бўйича Миллий дастур қабул қилинди. Ушбу янги стратегик ҳужжатларда олий педагогик таълим бўйича халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш алоҳида белгилаб қўйилган. Шу сабабли бу борада инновацион педагогиканинг аҳамияти юқори бўлиб, унинг воситасида педагогик таълимни ривожлантириш ва сифатли педагогик кадрларни тайёрлашга эришиш мумкин.

Инновацион педагогика ҳозирги замон технологик ривожланишининг энг сўнгги ютуқларига асосан олий педагогик таълим жараёнини ривожлантиришга янгича ёндашувларни тақдим этиб келмоқда. Чунки педагогиканинг бу тармоғида асосий эътибор олий педагогик таълим жараёнини янгича асосда амалга ошириш ва янги технологиялар билан қуролланган педагогик кадрлар тайёрлашга қаратади. Шу сабабли инновацион педагогиканинг негизларидан бири халқаро ҳамкорликдир. Халқаро ҳамкорлик воситасида инновацион педагогика таълим ва кадрлар тайёрлаш жараёнини кучайтириш имкониятларига эга бўлади. Бундай ҳамкорликдан мақсад ўзаро педагогик тажрибаларини уйғунлаштирган ҳолда олий педагогик таълим жараёнини амалга ошириш ҳамда инновацион компетенцияларга эга олий маълумотли педагог кадрлар

тайёрлашдан иборатдир.

Кези келганда таъкидлаш лозимки, Олий педагогик таълим жараёни 4+2 тизими бўйича йўлга қўйилиб, асосий эътибор, бўлажак педагог кадрларнинг назарий-амалий кўникмаларини уйғун шакллантиришга қаратилди. Бу жараёнда таълим берувчилар ва таълим олувчиларнинг инновацион технологиялар имкониятларига таянган ҳолда тенг равишда фаол ўқув жараёнини амалга оширилишини эслатиб ўтиш жоиз. Бугунги кунда олий педагогик таълим жараёнида инновацион халқаро ҳамкорликлар асосида юқори малакали педагог кадрларни тайёрлаш кўлами кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 21 июндаги “Педагог таълим сифатини ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорларида бу борада хорижий нуфузли олий таълим муассасалар билан ҳамкорликни замонавий талаблар асосида йўлга қўйиш вазифалари белгиланган. Мазкур вазифалар ижроси жараёнида олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби фаол иштирок этиши ва ўз фаолиятларининг янги мўлжалларини белгилаб олишлари зарур бўлади.

Инновацион педагогик ҳамкорлик олий педагогик таълим сифатига эришиш ва юксак малакали ҳамда инновацион компетенцияларга эга рақобатбардош педагог кадрларни тайёрлашнинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланиши билан амалий аҳамиятга эгадир. Шундай қилиб мамлакатимизда миллий мусиқа санъатини ривожлантиришнинг янги тамойилларини белгилаб олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун мусиқа таълими устозлари ва амалиётчи санъаткорларнинг ҳамкорлигига асосланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

### **Маданият Ва Санъат Соҳалари Тараққиётининг Вазифалари**

Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида сифатли таълимни амалга ошириш вазифаси белгиланган бўлиб, мазкур сифатли таълим турида мусиқа таълими, мусиқа санъати ҳам муҳим ўрин тутади. Дунё мамлакатлари мусиқа таълими тизимида мусиқа, хонандалик ва рақс санъати уйғун ўқитилади. Шу жиҳатдан Ўзбекистон мусиқа таълими жараёнида мазкур мусиқий санъат турларини ўқитиш муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунга қадар мактабгача ва умумий ўрта таълим мактабларида асосий эътибор муайян



музиқа асарини тинглаш ёки ижро этиш ва болаларбоп қўшиқларни куйлашга қаратиб келинган.

Энди янгиланаётган музиқа таълимида музиқа, хонандалик ва ракс асарлари бўйича назарий билим бериш, уларнинг ижросини ўргатиш ҳамда шу йўналишлар бўйича иқтидорли ўқувчиларни кашф этиш асосий вазифаларимиздан бўлиши керак. Музиқа санъати ўқувчиларнинг ёши, жисмоний ва эстетик имкониятларига мос музиқа асарларини ўрганиш, уларнинг ижрочилигини ўзлаштириш ҳамда иқтидорли ўқувчиларни аниқлаб, тарбиялашга асосланади. Бунинг учун мактабгача таълимдан умумий ўрта таълимни якунига қадар ўқувчиларнинг таъкидланган хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда музиқа асарлари ўрганилиши ва уларнинг ижрочилиги ўзлаштирилиши тақозо этилади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг қабул қилинган барча Қарор ва Фармонлар республикамизни ҳар соҳада ривожлантириш, дунёдаги ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олишга қаратилган меъёрий ҳужжатлар мамлакатимиз тараққиёти учун дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда ва айнан меъёрий ҳужжатлар йўналишида маданият ва санъат соҳаларини янада тараққиёт эттириш вазифалари белгилаб қўйилган. Маданият ва санъат, жумладан музиқа санъати тараққиёти асослари Ҳаракатлар стратегиясининг негизи сифатида қабул қилингани соҳа вакиллари зиммасига бир қанча вазифалар қўйишини таъкидлаш жоиз (Лутфуллаев, Соломонова 2010: 107).

Бундай вазифаларининг асосийлари бизнинг назаримизда, қуйидагилардан иборат: *биринчидан*, маданият ва санъат соҳасини ривожлантиришда миллий тажрибаларни тарғибот қилиш ҳамда жаҳон халқлари маданий ютуқларини ўзлаштиришга эътибор бериш; *иккинчидан*, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлашни давом эттириш ва уларни Халқаро миқёсдаги танловларда иштирокини таъминлаш ҳамда ватанпарвар руҳида тарбиялаш; *учинчидан*, жамиятни турли маданий-ижтимоий таҳдидлардан асраш чораларини кўриш. Бу вазифалар соҳанинг каттаю - кичик, ҳаваскор ва профессионал вакиллари томонидан идрок этилиши, “Бу ишларда мен қандай ҳисса қўшишим мумкин?” - деган савол мудом унинг кун тартибида туриши керак. Ишотга ҳожати йўқ ҳақиқат шуки, ҳар ким ўз вазифасини сидқидилдан бажарса ва ўз - фаолиятининг самараси учун масъулият ҳис қилса маданият ва санъат ривожини мамлакатимизда янги босқичга кўтарилади (Лутфуллаев 2022: 41).

Эътибор берилса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ҳар бир нутқи ва маърузаларида айнан ана шу масалага урғу берилмоқда. Ҳаракатлар стратегияси ҳар бир шахснинг касбий ва ижтимоий фаолияти учун суянчиқ, маданият ва санъат соҳасини ривожлантиришда унга таяниш ва самарали фаолият олиб бориш омилидир. Маданият ва санъат соҳасини ривожлантиришга оид йигирмадан ортиқ меъёрий ҳужжатлар ижроси ҳозирги кундаги соҳа фаолияти учун муҳим вазифалардан ҳисобланади. Кузатишлар ва таҳлиллар шуни кўрсатадики, соҳа вакиллари меъёрий ҳужжатлар мазмунини англашда нисбатан эътиборсизликка йўл қўйишмоқда.

Зеро, Ҳаракатлар стратегияси амалдаги меъёрий ҳужжатлар ва дастурларнинг ижросини таъминлашни назарда тутди. Мазкур вазифа идрок этилиши ва унинг ижроси таъминланиши шарт. Бу билан жамиятимизнинг маданият ва санъат соҳасини янада юксалишига эришишимиз шубҳасиздир. Ўзбекистон таълим тизимида ёшларни мусиқа санъатига жалб қилиш ва уларнинг мусиқий лаёқатини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки мусиқа санъати “Маънавий тарбиянинг энг муҳим воситаларидан биридир”. Шу маънода олий таълим муассасаларида махсус мусиқа фанларини чуқурлаштирилган тарзда ўқитиш йўлга қўйилганини таъкидлаш жоиз. Мазкур жараёнда миллий чолғуларни таълим тизимида мақсадли жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Эътибор берилса, миллий чолғуларимиз кенг бўлиб, уларнинг ижрочилик асосларини чуқур ўзлаштириб бориш муҳим масала ҳисобланади. Шу сабабли XX асрда фидойи ўзбек мусиқашунослари А.Фитрат, В.Беляев, Т.Вызго, Ф.Караматов, В.Успенский, О.Ибрагимов кабилар миллий чолғуларимизни сақлаб қолиш, уларнинг қурилмасини такомиллаштириш ва ижрочилик анъаналарини оммалаштириш ҳамда кенгайтириш борасида муҳим илмий ва амалий ишларни амалга оширганликлари таҳсинга лойиқ. Чунки, миллий чолғуларнинг кенг оммалашуви муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлди. Шу сабабли кейинчалик мусиқа санъатимизнинг йирик мутахассислари айнан миллий чолғу ижрочилигини ривожлантириш масаласини кун тартибига қўйдилар.

Шу маънода бугунги таълим тизимимизда миллий чолғуларни жорий этиш кўламини кенгайтириш, ижро маҳоратини ошириш мақсадга мувофиқдир. Бу билан қуйидагиларга эришилади ва самарадорлик кўлами янада ортади:

- биринчидан, миллий чолғулар ва улардаги ижрочилик сақлаб қолинади;

- иккинчидан, миллий мусиқаларимиз ижрочилиги янада ривожланади; - учинчидан, ўқувчи - ёшларда миллий мусиқа маданияти кутилган

даражада шакллантирилади, такомиллашади ва х.к. Шу маънода миллий мусиқа санъатимизнинг дурдона намуналари асосида ёш истеъдодларнинг созандалик касбий савиясини янада ошириш, ижрочилик маҳоратларини ўстириш, қўллаб-қувватлаш, миллий маънавиятимизни янада юксалтиришга сафарбар этиш бизнинг мақсадимиздир. Бугунги кунда мусиқа санъати инсонларга ва айниқса, ёшларга кўтаринки рух бериши, уларни ижодкорликка, бунёдкорликка йўналтириши билан аҳамиятлидир.

### **Мусиқа Маданияти Фани Педагоглари Тайёрлаш Ва Мусиқа Тарбияси**

#### **Эҳтиёжи**

Мамлакатимизда мусиқа маданиятини сифатли таълим мезонларида асосида ривожлантиришда касбий етук ўқитувчилар тайёрлаш муҳим эҳтиёж бўлиб турибди. Чунки мусиқа ўқитувчилари умумий мусиқа санъати бўйича касбий маҳоратга эга бўлишлари билан биргаликда, мусиқа маданиятини ўқитиш ва мусиқа тарбиясини амалга оширишга доир касбий кўникмаларга ҳам эга бўлиши керак.

Бугунги кунда мамлакатимизда мактабгача ва мактаб таълими, болалар мусиқа ва санъат таълими, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида “Мусиқа маданияти” фани кенг ўқитилмоқда. Мусиқа таълими ва ўқитиш бўйича муайян муаммолар кўламини ўрганиб бориш тақозо этилади. Жумладан, таълим муассасаларида Мусиқа фани бўйича вариатив ўқув дастурларини яратиш ва улар асосида янги авлод ўқув адабиётларини ишлаб чиқиш муаммоси мавжуд. Чунки вариатив ўқув дастурлари мазкур фаннинг назарий асосларини, ижрочилик методикасини ва индивидуал ёндашув воситалари кўламини кенгайтиради. Шунингдек, бунда профессионал мусиқа ўқитувчиларига бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Шу сабабли мусиқа ўқитувчиларини тайёрлашда уларнинг чолғу ижрочилиги, мусиқа санъати асослари, ашула ижрочилиги, ансамбл ва оркестр ижрочилиги бўйича касбий билим ҳамда кўникмаларини таркиб топтириш муҳим аҳамиятга эга.

Айни пайтда, бўлажак мусиқа ўқитувчиларини муайян чолғу ва хонандаликнинг ҳар бир йўналиши бўйича индивидуал методика билан қуроллантириш ҳам муҳим ўрин тутади. Буларнинг барчаси мусиқа ўқитувчиларини тайёрлаш бўйича олий педагог таълим муассасалари ўқув дастурларини мунтазам такомиллаштириб бориш ва ўқитишнинг турли шаклларида фойдаланишни тақозо этмоқда. Мусиқа фани бўйича

янги ўқув дастурлар ва ўқув адабиётларини тайёрлашда икки муаммони ҳал этиб олиш тақозо этилади: *биринчиси*, муסיқа бўйича ўқув адабиётларини тайёрлашнинг миллий тажрибасидан оқилона фойдаланиш; *иккинчиси*, бу борада жаҳон муסיқа санъати анъаналарини ҳисобга олиш. Шу жиҳатдан янги авлод ўқув адабиётларини тайёрлашда миллий тажрибадан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Шунингдек, жаҳон мамлакатлари муסיқа санъати анъаналарининг энг яхши жиҳатларидан ўқув адабиётларини ишлаб чиқишда фойдаланиш методикаси бўйича ҳам муаммолар мавжудлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Бунда айниқса, жаҳон муסיқа санъатининг энг ноёб дурдоналарини ўрганишга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Мазкур муаммоларнинг ҳал этилишида касбий етук ва маҳоратли муסיқа ўқитувчиларининг ўрни муҳимдир. Муסיқа ўқитувчиларини тайёрлашда ўқув дастурларида назарий билим, ижрочилик маҳорати ва муסיқа таълими методикаси асосларини уйғун ўзида мужассам этган омилларга таяниш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки назарий билимга эга муסיқа ўқитувчилари ўқувчи-талабаларнинг муסיқа санъати асослари бўйича билимларини кутилган даражада таркиб топтиради.

Назарий билим ижрочилик маҳоратининг асосидир. Бу борада чолғу ва ашула ижрочилигининг асосларини ўзлаштиришда назарий билим таянч вазифасини ўтайди. Назарий билимга асосан ўзлаштирилган ижрочилик маҳорати муסיқа ўқитувчиларига ўзига хос методикага асосланган муסיқа таълимини амалга ошириш имконини беради. Шу жиҳатдан бу масалада назария, ижрочилик ва методика масалалари уйғун хусусиятларга эгадир. Булар ҳар ўқув йили бошида муסיқа ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш заруриятини кўрсатади.

Бўлажак муסיқа ўқитувчиларини тайёрлашда уларга бериладиган касбий билим ва кўникма кўлами бўйича мавжуд муаммоларини ҳал этиш долзарб бўлиб турибди. Бу борада миллий муסיқа санъатимизнинг энг ноёб муסיқалари ва ашулаларининг ижрочилиги билан бўлажак муסיқа ўқитувчиларини қуроллантириш, уларни болалар муסיқа асарлари методикаси билан таништириш ва жаҳон муסיқа санъатининг дурдона муסיқа ҳамда ашулалари бўйича касбий кўникмасини таркиб топтириш муҳим аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан муסיқа таълими жараёнида миллий муסיқа меросидан фойдаланиш, болалар муסיқа санъатини ўқитиш ва жаҳон халқлари муסיқа санъатидан таълим жараёнида фойдаланиш методикаларини ишлаб чиқиш бугунги кундаги энг муҳим муаммолар ҳисобланади. Шу сабабли олий педагогик таълим муассасаларида

мазкур муаммолар бўйича амалий ва методик ишланмаларни яратиш ҳамда уларни амалиётга жорий этиш долзарб бўлиб турганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Олий мусиқа таълими воситасида мусиқа ўқитувчиларини тайёрлашнинг янги шакллари ҳам фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда бугунги кунда амалий самара бераётган масофавий таълим, мустақил таълим ва индивидуал таълим каби ўқитишнинг янги шакллари муҳим амалий самарадорликка эга эканлигини эслатиб ўтиш жоиз. Жумладан, тажрибали профессор-ўқитувчилар ва санъаткорларнинг компьютер, ТВ каби ахборот-коммуникацион воситаларига асосланган масофавий таълим шаклидаги машғулотларини ташкил қилиш профессионал мусиқа ўқитувчиларини тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга.

Шу жиҳатдан талабаларни Устозларга бириктириш воситасида уларни мустақил таълим шаклида профессионал мусиқа ўқитувчилари сифатида тайёрлаш ҳам кутилган самарани беради. Бунда ўзига бириктирилган талабалар Устоз ўқув материалларини, маълумотларни ва тегишли адабиётларни ўқишни тақдим қилиб боради. Талаба уларни мустақил ўзлаштириш билан ўзининг касбий билим ва кўникмаларини ривожлантириб боради. Бундан ташқари, индивидуал таълим шаклида ҳам бўлажак мусиқа ўқитувчиларини тайёрлаш имкониятлари мавжуд. Унга кўра, олий педагогик таълим муассасасининг мусиқа таълим йўналишида индивидуал мусиқа таълими дастури, ўқув адабиётлари ва методик таъминоти ишлаб чиқилади. Уларни ўзлаштириш билан бўлажак мусиқа ўқитувчиси индивидуал шуғулланади. Бунинг натижасида талабалардан педагогик маҳорат кучаяди.

Эслатиб ўтиш жоизки, масофавий, мустақил ва индивидуал таълим шакллариининг ўқув манбалари электрон нусхада тайёрланади ва таълим оловчига тақдим этилади. Дикқат қилинса, профессионал мусиқа ўқитувчиларини тайёрлашнинг турли шаклларида фойдаланиш олий мусиқий педагогик таълим жараёни мазмунини, ўқитиш методикасини ва касбий тайёрлаш асосларини янгилайди. Буларнинг барчаси профессионал мусиқа ўқитувчиларини тайёрлашда амалий аҳамиятга эга. Бизнинг ёндашувимизга кўра, мусиқа таълими методикасини янгилаш бўйича мутахассисларнинг таклифларини умумлаштириш ва улар асосида янгиланган мусиқа таълими методикасини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эгадир. Шу жиҳатдан бу борада чолғу ва ашула ижрочилигининг индивидуал методикаларини яратиш муҳим муаммолардан бири бўлиб турибди. Бунинг учун мусиқа санъати вакилларининг оммавий таклифларини ўрганиш ва умумлаштириш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Мамлакатимизда таълим олувчиларнинг мусиқа тарбиясини амалга оширишда ҳам янги ёндашувларга асосланиш долзарб бўлиб турибди. Чунки Интернет глобал ахборот тармоғи ва турли ижтимоий тармоқлар воситасида ўқувчи-талабалар ўзларининг ёш, руҳий ва эстетик хусусиятларига мос келмайдиган мусиқа асарларини ва қўшиқларини тинглашмоқда. Натижада уларнинг онгида ўзга номаълум жамиятга интилиш ҳисси, руҳий тушкунлик туйғуси ва меъёрсиз индивидуалликка интилиш мақсадлари пайдо бўлаётганлиги сир эмас. Шу сабабли инновацион жамиятимизда мусиқа тарбиясини янгилаб бориш тақозо этилмоқда. Бунинг учун таълим олувчиларга, энг аввало ўқувчиларга миллий мусиқамиз асосларини тўғри тушунтириш ва уларни жаҳон мусиқа санъатининг энг яхши намуналари билан таништириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу ишда профессионал мусиқа ўқитувчиларининг меҳнатига таяниш қутилган самарани беради. Шу маънода профессионал мусиқа ўқитувчиси мусиқа тарбиясининг индивидуал ёндашув шаклларида фойдаланиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимизда 2030 йилга қадар инклюзив таълимга муҳтож, яъни жисмоний, руҳий ва ақлий имкониятлари чекланган болаларни таълим билан тўлиқ қамраб олиш ислохотлари амалга оширилмоқда. Шу жиҳатдан инклюзив таълимга муҳтож болаларнинг мусиқа тарбиясини амалга оширувчи профессионал мусиқа ўқитувчиларини ҳам тайёрлаш долзарб бўлиб турибди. Бунда бўлажак мусиқа ўқитувчиларини жисмоний, руҳий ва ақлий имконияти чекланган болаларга мусиқа тарбияси бериш, яъни уларнинг жисмоний лаёқати ва қизиқишларида келиб чиқиб чолғу ҳамда қўшиқ ижрочилигига ўргатиш методикаси билан қуроллантириш муҳим аҳамиятга эгадир. Бўлажак профессионал ўқитувчилар келгусида инклюзив таълимга муҳтож болалар бўлган оилалар ва улар тарбияланаётган махсус ҳамда интернат таълим муассасаларида ҳам фаолият юритиш имкониятига эга. Шу сабабли бўлажак мусиқа ўқитувчиларини инклюзив мусиқа таълими методикаси билан қуроллантириш тақозо этилади.

Эътибор берилса, мусиқа тарбиясини амалга оширишнинг янги шакллари ва инклюзив таълим жараёнида мусиқа тарбиясини амалга ошириш методикаси бўйича янги авлод ўқув адабиётларини ишлаб чиқиш тақозо этилади. Бу борада Тошкент давлат педагогика университети, Жиззах давлат педагогика университети ва Чирчиқ давлат педагогика университети мусиқа таълим йўналиши профессор-ўқитувчилари ҳамда мутахассисларининг ҳамкорликдаги тадқиқот ишларини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Улуғ файласуфлардан Афлотуннинг “Давлатнинг кудрати қандай мусиқа

тингланаётганлиги билан белгиланади” мазмунидаги фикрини унутиб бўлмайди. Чунки қандай мусиқа тингланаётганлиги мамлакат фуқароларининг давлатга муносабатини белгилайди. Бу муаммони ҳал этиш профессионал мусиқа ўқитувчиларини тайёрлаш ва мусиқа тарбиясини амалга оширишга янгича ёндашувлар билан амалга ошади.

Мамлакатимиз мусиқа таълими ва тарбиясининг янгиланиш жараёнида бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, амалий ва методик тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бундай тадбирларда долзарб муаммоларни аниқлаш, уларни ечимларини топиш ва ривожлантириш бўйича таклифлар мажмуини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу борада мамлакатимиз мусиқа санъати вакиллариининг маҳорати, мусиқа таълими ва тарбияси анъаналари ҳамда жаҳон мусиқа санъати таълимининг тажрибаларига уйғун ёндашиш кутилган самарани беради.

### **Мусиқа Таълими Ва Тарбия Жараёнига Замонавий Ёндашувнинг Долзарб Масалалари**

Ўзбекистонда мусиқа таълими ва тарбия жараёнига ёндашувнинг долзарб масалаларини идрок этиш тақозо этилади. Уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

*Биринчидан*, мамлакатимизда мусиқа таълими ва мусиқа тарбияси жараёнини инновацион ривожлантиришга асослаб, “Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси”да сифатли таълимга эришиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида белгиланган таълим тизимида Мусиқа таълимини ривожлантиришнинг устувор вазифаларига асосланади. Бунда мусиқа таълими ва мусиқа тарбияси жараёнида таълим олувчиларнинг чолғу ижрочилиги, хонандалик ҳамда рақс санъати ижрочилиги бўйича кўникмаларини ривожлантириш ва уларнинг лаёқатини таркиб топтириш устувор вазифалардан ҳисобланади.

*Иккинчидан*, мусиқа таълими ва мусиқа тарбияси жараёнида таълим олувчиларнинг камида 3 миллий чолғуда мусиқа ижро эта олиш кўникмасини шакллантириш ҳамда мусиқа ўқитувчиларининг камида 3 та миллий чолғуларда ижрочилик кўникмасини ривожлантириш, хонандалик йўналишида халқ кўшиқлари ижрочилиги, анъанавий, мақом ва эстрада ашулалари ижрочилиги бўйича маҳоратини таркиб топтириш муҳим ҳисобланади. Бунда умумий ўрта таълим мактабларининг 1-7 синф ўқувчиларининг мусиқа, ашула ва рақс санъати йўналиши бўйича ижрочилигини таркиб топтиришда Болалар мусиқа санъати жанрининг талабларига таяниш тақозо

этилади. Шу сабабли бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг болалар мусиқа санъати ижрочилиги асослари бўйича маҳоратини шакллантириш долзарб бўлиб турибди.

*Учинчидан*, мазкур муаммоларни ҳал этиш ва уларнинг ечими бўйича методик тавсияларни ишлаб чиқиш бугунги куннинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Бунинг учун асосан қуйидаги йўналишлар бўйича аниқ фикрларга келишимиз керак:

1) *Мусиқа таълим тизимидаги замонавий муаммоларни идрок этиши*. Бу йўналишда рақамли таълим муҳитида мусиқа ўқитувчиларини тайёрлашнинг замонавий технологиялари ва сифати мезонларини белгилаб олишимиз керак;

2) *Профессионал мусиқа таълими тизимида замонавий ижрочилик санъати муаммоларини ҳал этиши*. Бу ўринда “Профессионал мусиқа таълими тизими” деганда болалар мусиқа ва санъат мактаблари, мусиқа академик лицейи ва педагогик коллежлари ҳамда олий мусиқа таълими муассасаларини назарда тутиб, таълим муассасаларида профессионал мусиқа таълими тизимида замонавий ижрочилик санъатининг муаммоларига ечим топиш керак;

3) *Иқтидорли болалар билан ишлашда янгича ёндашувлар*. Мамлакатимизда барча соҳалар қаторида мусиқа таълими, ижрочилиги ва маданияти бўйича иқтидорли талабаларни аниқлаш, тарбиялаш ҳамда уларнинг қобилиятларини ривожлантириш устувор вазифалардан ҳисобланади. Бунда мусиқий иқтидори мавжуд болаларни аниқлаш, уларнинг қобилиятларини ривожлантириш масалан, эшитув қобилияти, ҳис қилиш қобилияти, ижрочилик қобилияти ривожлантириш ҳамда мазкур қобилиятлар даражасини ташхисларнинг замонавий механизмларини ишлаб чиқишимиз керак.

Бугунги кунда *мусиқа таълимига оид янгича ёндашувларга* эҳтиёж сезилмоқда. Бунинг сабаби шундаки, Ўзбекистоннинг ҳозирги ривожланиш жараёнида инновацион жамият барпо этиш муҳим ҳисобланади. Бу борада “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да “ақлли таълим”ни вазифаси белгиланган.<sup>1</sup> Унга кўра, “ақлли таълим”, яъни таълим жараёнини рақамли технологиялар асосида ривожлантириш вазифаси қўйилган. Шу жиҳатдан мамлакатимиз мусиқа таълими жараёнида рақамли технологияларга асосланган инновацион ёндашувларни ўрганиш, ўзлаштириш ва амалиётга жорий этиш муҳим ҳисобланади. Шу сабабли *миллий ва жаҳон халқлари мусиқасининг уйғунлаштириш тамойили мазкур муаммони ҳал этишининг амалий масалаларидан биридир*. Унга кўра, мусиқа таълимида миллий ва жаҳон халқлари

---

<sup>1</sup> “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”. // www. Google.uz.



музиқасини уйғун ўрганиш анъанаси таркиб топди. Бу борада муайян халқнинг музика таълими тажрибаси ўзга халқлар таълими жараёнига қабул қилиниб, асосий эътибор музика таълими бўйича таълим олувчиларнинг саводхонлигини юксалтиришга қаратилмоқда.

### **Музикаий Таълим Ва Таълим Тарбиянинг Уйғунлиги**

Олий маълумот эгаси бўлиш, киши ҳаётидаги энг катта ютуқлардан бири ҳисобланади. (Румий 1988: 51). *Талаба деган номга эришиш* – эндигина вояга етган, доимо ота-онаси қарамоғида бўлган ёшлар учун катта синов. Олий ўқув юртида олинган билим эса инсоннинг умри давомида ҳамроҳ бўлади. Яхши мутахассис бўлиш учун истеъдод, қизиқиш, билим ва ҳаракат зарур. Ўқув даргоҳида таълим-тарбия олаётган ёшлар, айниқса санъат йўлини танлаганлар дарсдан ташқари вақтда мустақил ишни тўғри ташкил этиш кўникмаларини эгаллашлари зарур. Олий таълим тизимидаги ўқув режада мустақил таълим учун ҳамма фанлардан маълум соатлар белгиланган. Ушбу масала доим эътиборда бўлиши мақсадга мувофиқ.

Дарс жараёнида олинган билимларни мустаҳкамлаш, ижро малакалари ва назарий фанларни ўзлаштириш учун талабаларнинг мустақил шуғулланиши зарур талаблардан ҳисобланади. Талаба ўзининг асарга бўлган шахсий муносабати ва маҳоратини ижро орқали кўрсата олиши муҳим жараён. Устози назоратидаги дарснинг аҳамияти катта, лекин талабанинг мустақил таълимига сарф қилаётган вақти самарасини ўрганиб бориш, тавсиялар бериш устозлар зиммасида. Бунинг учун талабага мустақил таълимни қандай ташкил қилиш, нималарга эътибор қаратиш, вақтдан унумли фойдаланиш лозимлигини тушунтириш мақсадга мувофиқ.

Асосий қоидалардан бири таълимнинг мунтазамлигига эришиш. Ижронини ўзлаштиришнинг дастлабки давридан бошлаб талабада мунтазам мустақил ишлаш кўникмасини шакллантириш лозим. Одатда, мунтазамликка эришиш қийин, лекин бундай таълимлар аста-секин одат тусига кириб боришига эришиш зарур. Буларсиз юқори натижаларга эришиб бўлмайди. (Файзиев 1991: 16).

Миллий музика санъатимизни ҳар қачонгидан чуқурроқ ва атрофлича ўрганиш, уни халқ ичида кенг тарғиб қилиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Чунки, ўзбек музика маданияти ва унинг асосий қисмларидан бири бўлган чолғулар ва чолғу музикаси қадимдан бой ва мураккаб таъсирчан имкониятларга эга. Музика жонсиз танага жон, руҳсиз вужудга руҳ бағишлагани ҳақида Шарқу Ғарб илми, адабиётда

фаразлар, афсона-ю ривоятлар жуда кўп. Аксарият мутахассислар муסיқанинг яратилиши инсон зоти пайдо бўлиб, табиат ҳодисаларига, ҳайвонларга тақлиддан, ё илк бор кулиб ёхуд йиғлаганда чиқарган ун-товушларга боғлаб изоҳлайдилар. Асрлар оша бизгача етиб келган миллий чолғуларимиз ва муסיқамизнинг ажойиб намуналари бугунги кунда ҳам ўзининг ранг-баранг жилоси, оҳанрабо куйлари билан кишиларга олам-олам завқ-шавқ ва ҳузур бахш этиб келмоқда.

Аждодларимиз муסיқани шифо, нажот деб билганлар. Ўз замонасининг буюк донишмандларидан бўлган Ал-Киндий ислом фалсафаси асосида илк бор муסיқа назарияси ҳақида рисолалар битган ҳамда бу санъатнинг бадий эстетик ва тарбиявий жиҳатлари, маънавий баркамол инсонни тарбиялашдаги ўрни, унинг аҳамиятини далиллаб берган. Тарихчи олимларнинг айтишича (Г.Сартон), Ал Киндий “илк мусулмон муסיқашуноси бўлган” ва унинг айрим асарларида “оҳанглар ёзуви” мавжуд. Араб олими профессор А.Ф.Эхвоний ҳам “Ал Киндий муסיқа бўйича қатор асарлар яратган, улардан бири немис тилига таржима қилинган”, деб хабар беради.

Фаробийнинг асари бу соҳада унга қадар ёзилган асарлардан устун бўлиб, Фарб ва Шарқ муסיқа назарияси тараққиётини бир неча асрга белгилаб берган. XV аср муסיқа назариётчиларидан бири, Шарқнинг йирик мутафаккири Абдурахмон Жомий ўзининг “Муסיқа ҳақида рисола”сида Фаробийни буюк муסיқашунос олим сифатида тилга олган. Француз арабшунос олими Карра де Воо, Фаробийнинг муסיқа санъати соҳасидаги хизматлари ҳақида бундай деган эди: “Фаробий яна буюк муסיқачи ҳам эди. Биз унинг Шарқ муסיқаси назарияси бўйича энг муҳим асарлари учун ундан миннатдормиз. У айна вақтда ҳам ижрочи-муסיқачи, ҳам бастакор эди”.

Шарқ алломаларининг асарлари француз тилига ҳам таржима қилинган. Жумладан, Фаробийнинг муסיқага бағишланган асари Парижда нашр этилган. Асарнинг кириш қисмида Р.Эрланже ўрта аср Шарқида муסיқа назарияси тараққиётининг қисқача очеркида – “Ал Киндий, Ал Фаробий, Ибн Сино ва бошқаларнинг муסיқашуносликка доир асарлари ҳақида тўхталиб – Фаробийнинг муסיқа назарияси келгуси тараққиётга қўшган ҳиссасини юқори баҳолайди. Ва “... Ал Фаробийнинг ундан кейин араб тилида муסיқа ҳақида асар ёзганлардан устунлиги ҳайрон қоларликдир. Кейинги асрлар муаллифларининг асарларида “Китоб ал муסיқий ал кабир”дан кўплаб фикрлар, чунончи муסיқанинг таърифи, оҳанг ва интервал назарияси ва бошқалар ўзлаштириб олинганлиги кўзга ташланади”, дейди. Умуман муסיқа тарбиясининг қуйидаги хусусиятларини яна бир бор эслатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир:

**биринчиси** – инсонга хузур – ҳаловат бахш этадиган мусиқа;

**иккинчиси**– эҳтирос уйғотиб, қалбни жунбушга келтирадиган мусиқа;

**учинчиси**– кишини ўйга толдириб, фикрлашга ундайдиган мусиқади.

Бу улугъ нарсаларга эришиш учун ҳар бир созанда кундалик машғулоти ни режалаштиришни билиши лозим. Айниқса, талаба-ёшлар ўқув жараёнида ўз ижро маҳоратларини такомиллаштириб боришларида мустақил таълимга катта аҳамият беришлари керак.

Санъат дурдоналарига кўпроқ эътибор қаратиш, тинглаш, томоша қилиш, таҳлил этиш, тушуниш, илҳомланиш катта аҳамият касб этади. Мусиқани англаш учун тил билиш шарт эмас. Лекин, соз чалиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Заҳни ўткир, тиришқок, аниқ мақсадли ёшларнинг бирор соз чалишни ўрганишлари осон кечади. Ёшларнинг истеъдодини ривожлантириш, уларга кўмак бериш мақсадида Республикамизда турли тадбирлар - танловлар, фестиваллар, кўриклар уюштириш яхши йўлга қўйилган. Халқаро мусиқий фестивалларнинг ўтказилиши ҳам ёшлар билимини, дунёқарашини кенгайтириш, жаҳон мусиқа дурдоналари, ижрочилик мактаблари билан таништириш, ижодкорлик, бунёдкорлик томон йўналтиришга қаратилган.

Мусиқий ижрочиликнинг бугунги кундаги ўрни ва тарбиядаги аҳамиятини эътиборга олиб, камчиликларга йўл қўймаслик чораларини кўриш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бой ва хилма-хил эстетик тарбия воситалари қаторида санъат ва унинг турларидан бири бўлган мусиқа энг таъсирчан ва кучли тарбия воситаларидан бири эканлигини тушунамиз. Чунки, яхши асар киши онги, фикри, кайфиятига тез ва ёқимли таъсир кўрсатади. Мусиқа асарларида ифодаланган оҳанг ва ғоя одамнинг ички дунёсига кучли таъсир этади. Зеро, ҳаяжонли ҳис-туйғулар билан йўғрилган, оҳангдор товушлар инсонни бефарқ, лоқайд қолдирмайди. Мусиқа асарлари ўзининг ҳаяжон ва ғоявий мазмунига кўра инсонда қувонч, хайрат, изтироб, ғам, соғинч каби туйғуларни пайдо бўлишига таъсир кўрсатади. Ёш авлодда миллий қадриятларга, мумтоз мусиқа меросига ҳурмат, миллий ифтихор туйғусини шакллантиришда мусиқа ўқитувчиларининг алоҳида ўрни бор.

Кейинги ўн йиллар давомида ўзбек мусиқа маданияти жадал ривожланиб бормоқда. Бунда мусиқа асарларининг фақат сон жиҳатдан кўпайиши эмас, балки сифатининг ҳам яхшиланиб бораётганлиги назарда тутилади. Ҳозирги замон ўзбек мусиқаси тараққиётининг даражаси қанчалик юксак бўлса, халқимизнинг нафақат

мақомга, балки ўтмиш меросига қизиқиши шунчалик кучли бўлади. Бу борада Ф.М.Караматов шундай ёзади: “Ҳар бир халқнинг мусиқа мероси алоҳида ифтихорга, авайлаб асраш ва ўрганишга лойиқ бўлиб қолмасдан, балки ўзининг энг яхши намуналари орқали бугунги кунда ҳам катта эстетик завқ беришга ва шу билан бир қаторда унинг ғоявий, бадиий мослиги мойиллигига кучли таъсир кўрсатишга қодирдир”. Бироқ бизнинг кузатувларимиз шуни кўрсатадики, ҳозирги замон ёшларининг кўпчилиги фольклор мусиқасига етарли даражада қизиқмайдилар. Улар халқ мусиқасини идрок этишга тайёр эмас. Бинобарин, ўзбек миллий мусиқаси гўё тарбиявий восита тизимидан тушиб қолгандай.

Зеро, жамиятимиз ривожда мусиқий маданиятнинг аҳамияти ўзига хос катта ўринга эга. Бас шундай экан, келажакда турган муҳим вазифаларимизни саралаб, ҳар биримизнинг олдимизда турган маъсулиятли вазифаларни бажаришда ҳаммамиз бирдек фаол бўлишимиз, талаба-ёшларимизни ёт ғоялардан асраш, маънавий дунёсини юксалтириш учун уларнинг бўш вақтларини тўғри йўналтиришимиз зарур.

Янги Ўзбекистонда мусиқа санъатини ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари ана шундай муҳим тамойиллар ва ёндашувлардан иборат. Мазкур таянчларга асосан мамлакатда мусиқа санъатини ривожлантиришнинг янги босқичи амалга оширилмоқда.

### Фойдаланилган адабиётлар

- Қобилова, Э., Б., (2023). Мусиқа ўқитиш методикаси ва мактаб реперетуари. Тошкент, Тамаддун нашриёти.
- Лутфуллаев Анвар. (2022) Халқ чолғуларида ижрочилик: тарихийлик ва замонавийлик. – Тошкент, “Файласуфлар” нашриёти.
- Лутфуллаев, А. К. (2023) Халқ чолғулари ижрочилиги: манбалар, тажрибалар ва замонавий ёндашувлар. – Тошкент, “Файласуфлар” нашриёти.
- Лутфуллаев, А.К., Рахимов, Ш.Н., (2021). Чолғушунослик. – Тошкент, “Мусиқа” нашриёти.
- Лутфуллаев, А.К., Соломонова, Т.Е. (2010). Узбекские народные музыкальные инструменты. – Тошкент, “Мусиқа” нашриёти.
- Одилов, Аҳмад, (1993). Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик тарихи. Тошкент, “Ўқитувчи” нашриёти.
- Петрушин, В., И. (1986) «Музыкальная психология», Москва, «Советский композитор» нашриёти.
- Рахимов, Ш., Н. (2017). Чолғу ижрочилиги ва ансамбли. – Тошкент, “Мусиқа” нашриёти.
- Румий, Жалолиддин, (1988). Учмоққа қанот йўқ, вале учгайман. – Тошкент, “Гафур Ғулом” нашриёти.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича “Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // “Халқ сўзи” газетаси 2017 йил 8 февраль сони.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // “Халқ сўзи” газетаси.
- Файзиев, О. (1991). Мактабда мусиқий тарбия. Тошкент, “Ўқитувчи” нашриёти.
- Фитрат, Абдурауф, (1993). Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. – Тошкент, “Ўқитувчи” нашриёти.
- “Ўзбекистон - 2030” стратегияси. – Тошкент, 2023.

**Makale Bilgileri/Article Information**

<b><i>Etik Beyan:</i></b>	Bu çalışmanın hazırlanma sürecinde bilimsel ve etik ilkelere uyulduğu ve yararlanılan tüm çalışmaların kaynakçada belirtildiği beyan edilir.	<b><i>Ethical Statement:</i></b>	It is declared that scientific and ethical principles have been followed while carrying out and writing this study and that all the sources used have been properly cited.
<b><i>Çıkar Çatışması:</i></b>	Çalışmada kişiler veya kurumlar arası çıkar çatışması bulunmamaktadır.	<b><i>Conflict of Interest:</i></b>	The authors declare that declare no conflict of interest.
<b><i>Yazar Katkı Beyanı:</i></b>	Çalışmanın tamamı yazar tarafından oluşturulmuştur.	<b><i>Author Contribution Declaration:</i></b>	The entire study was created by the author.
<b><i>Mali Destek:</i></b>	Çalışma için herhangi bir kurum veya projeden mali destek alınmamıştır.	<b><i>Financial Support:</i></b>	The study received no financial support from any institution or project.